



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 211 (18.987).

Жума, 14 сентябрь 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.



ТЕРИМДА ИНТИЗОМ, ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК БЎЛАСИН!



● **НАВОИЙ ОБЛАСТИ.** Қизилтепа районидagi «Москва» колхозида комсомол-ешлар бригадаси тузилди. Коллектив аъзолари ўзининг синфини тугатиб, ўз қадри-

дон колхозда қолиб ишлаётган ешлардир. Бу бригадани юқори ҳосил устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худойёр Сулаймонов оталари олдди. Таъриблик пахтакор ўз касбининг сир-

ларини ешларга сиққидилар ўргатди. Бригадада мўл ҳосил ештирилди. Шу кунларда шижоаткор ешлар пешана тери эвазига ештирилган дурдонани тезкорлик билан йиғишти-

риб олишяпти. Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худойёр Сулаймонов еш пахтакорлар даврасида. В. Занко фотоси. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕФОЛИАЦИЯ: СУРЪАТ ОШИМОҚДА
● Республика пахта далаларида дефолиация қизғин давом эттирилмоқда. Тошкент области механизаторлари ва аэриаторлари техника воситалари ва самолётлардан оқилна фойдаланишмоқда. Бу ерда кунига 550 га яқин ОВХ агрегати ва 50 дан зиёд самолёт юксак унум билан ишлатилляпти. Қорақалпоғистон автоном республикасининг шимолий зоналарида жойлашган хўжаликларда ҳам дефолиация суръати оширилмоқда. Бу зоналарда 12 сентябрь кунин 3,9 минг гектар майдондаги гўзага дефолиантлар сейлиди.

Лекин Қашқадарь ва Самарқанд областларида қудай имкониятлардан унумли фойдаланилмаётди. Бу областларда хойригача гўзасининг барги тўкилиши лозим бўлган майдонларнинг атиги бир процентига ишлов берилди. Навоий, Фарғона областларида ҳам бу борада қолоқлик ҳукм сурмоқда. 12 сентябрь кунин Қашқадарь областиди мавжуд 678 ОВХ агрегатиининг 36 таси, 48 та самолётининг 7 таси ишлатилган кечирилмас ҳолдир. Самарқанд ва Фарғона областларида ОВХ агрегатлари ва самолётларининг 75—90 проценти бекор турибди.

ҲАММАДАН КЎП
● Калинин номили колхоз пахтакорлари ўтган кунин Пискент райониди энг кўп — 22 тонна «оқ олтин» топиришга эришдилар. Хўжаликнинг Саври Турсункулова ва Раъно Номозбеова каби кўпмингкилограммчи теримчилари кунига 160-180 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритишди.

КУН САЙИН
● **НАМАНГАН.** Чортоқ райониди Навоий номили колхоз пахтакорлари йигим-терим суръатини кун сайин оширишмоқда. Хўжалик далаларида 650 дан зиёд теримчи ишляпти. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли кунига йиллик планининг қариб 1,5 проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда. Ҳазар теримчилардан Халима Худойбердиева, Нобуви Пулатова, Пардана Хазраткулова кунига 80-90 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга барака киритишмоқда. Бригада аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб олишнн кўзлашмоқда.

ЗАРЕДОРЛАР
● **СУРХОНДАРЕ.** Сарисий райониди Карл Маркс номили колхознинг Гафур Қодиров бошлиқ бригадаси аъзолари хойрига қадар йиллик планининг 27 проценти миқдориди пахта тайёрладилар. Бу муваффақиятда кунига 110-140 килограммдан «оқ олтин» тераётган Махбуба Ёзронова, Дурхон Кенжаева, Назокат Рўзиева, Алина Норбоевалар муносиб ҳисса қўишмоқда.

КУНИГА 70 ТОННА
● **САМАРҚАНД.** Пахтачи райониди Карл Маркс номили колхоз миришкорлари қабул пунктларига кунига 70 тоннадан зиёд «оқ олтин» топиришга эришмоқдалар. Хўжалик аъзолари юбилей йилида ҳосилдорлиқни 45 центнерга, яъни хирмони эса 8340 тоннага етказишга аҳд қилишди.

Бригадаларо мусобақада хўжалиқнинг Мухтор Қувондиқов бошлиқ бригадаси аъзолари пешадамлик қилишяпти. Улар 12 сентябрь кунин хирмонга 17 тонна хом ашё топиришга эришдилар. Бу йиллик планининг 5,7 процентига тенгдир.

ЕШЛАР ҒАЙРАТИ
● **АНДИЖОН.** Ёзу райониди «Ленинчи» совхозиди 700 та комсомол аъзоси далага чиқди. Улар қўл теримиди зарбдорларга ишламоллар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кўтиб олишга аҳд қилган ешлар Ҳазар социалистик мусобақани анж олириб юбордилар. Бу мусобақада кунига хирмонга 130-140 килограммдан дурдона тунаётган Мазмурахон Матруфова, Муқаддамхон Ҳасанова, Раҳматулла Раҳимовлар илгорлик қилишяпти.

МАРПА — 40 ЦЕНТНЕР
● **ЖИЗЗАХ.** Жиззах райониди «Зарафшон» совхозининг Холмат Эргашев бошлиқ бригадаси аъзолари хойригача йиллик планининг 15 проценти миқдориди «оқ олтин» топиришди. Улар кунига 2 проценти етказиб пахта тайёрлашмоқда. Ҳазар теримчилардан Халима Худойбердиева, Нобуви Пулатова, Пардана Хазраткулова кунига 80-90 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга барака киритишмоқда. Бригада аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб олишнн кўзлашмоқда.

АГРЕГАТЛАР ДАЛАДА
● **БУХОРО.** Шофиркон райониди «Ўзбекистон» колхоз дала гвардиячилари районда биринчи бўлиб машина теримини бошладилар. Илгор меҳнатчилардан Усмон Сулаймонов, Тўйбой Панаев ва Иброҳим Санаевлар дастлабки кунинг ўз агрегатида бункеридан 2-3 тоннадан «оқ олтин» бўшашига муваффақ бўлишди. Бу йил хўжаликда тайёрланадиган 5500 тонна пахтанинг 3 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинади.

«Оқ олтин» хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябрга бўлган **МАЪЛУМОТ**
(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён

Андижон	0,87	4,22
Фарғона	1,25	4,19
Бухоро	0,77	3,90
Навоий	0,65	3,36
Сурхондарь	0,72	2,78
Қашқадарь	0,43	2,27
Наманган	0,56	1,85
Самарқанд	0,39	0,91
Тошкент	0,20	0,71
ҚАССР	0,23	0,45
Жиззах	0,16	0,16
Сирдарё	0,08	0,13
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	0,52	2,04
Шу жумладан илгичка:	0,52	2,04
Сурхондарь	0,76	3,15
Наманган	0,96	2,16
Навоий	0,31	0,81
Бухоро	0,27	0,48
Қашқадарь	0,16	0,44
Республика бўйича:	0,54	2,06

КОМСОМОЛ ИШИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАЙЛИК

Республика комсомол Марказий Комитетининг 13 сентябрь кунин Тошкентда бўлиб ўтган пленумиди КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ешларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисидаги» қарорини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш юзасидан республика комсомол ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек еш авлод тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги учун республика комсомоллари ва ешлари жонанон партияга санимий миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Республика комсомол партия раҳбарлигини янги куч олиб, катта ўртоқлари коммунистлардан ленинчи принципал-лиқни, ҳақиқатдан кўз қамаслиқ, маъқул камчилларини бартараф этиш учун ирода ва ғайрат-шижоатини сафарбар этиш маҳоратини ўрганишмоқда.

Республика Ленин комсомол кўпгина ажойиб ишлари амалга оширди, де-йишди пленум қатнашчилари. Ўзбекистоннинг минг-лаб йилгич ва қизлари энг муҳим қурилишлар ва саноат корхоналарида, пахта далалари ва чорвачилик фермаларида зарбдор иш намуналарини кўрсатмоқдалар. ВЛКСМнинг энг катта отрядларидан бири бўлган республика комсомоллари партиянинг муносиб ёрдамчилари, унинг ишовчили реверен жангликларини намоиш этидилар. Комсомол ташкилотлари еш авлодни ватанпарварлик руҳида, марксизм-ленинизм улуғ идеалларига садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашмоқдалар.

Пленум қатнашчилари комсомол комитетларининг фаолиятидаги нуқсонлар, ешлар билан тарбиявий ишдаги салбий ҳолатлар тўғрисида ишчилар билан қатъий ва рўй-рост гапирдилар. Республика комсомол ташкилотлари ешларга таъсир ўтказишнинг катта имкониятларига эга бўлганлари ҳолда бу имкониятлардан ҳамма ҳам самалардан фойдаланмаётганликлари уқтириб ўтилди. Комсомол комитетлари ўзлари иш устуни ва методларини ҳамон сусткашлик билан қайта ташкил этмоқдалар, батында ешлар муҳитидаги янги тенденцияларга эътиборини малоб этишга улгурмай қолмоқдалар. Кўпгина комсомол комитетлари меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, бошлангич ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш юзасидан етарли чораларни кўрмайётганликлари, надрларни танлаш ва жой жойига қўйишда ҳаттоларга йўл қўймоқдалар.

Ҳар кунги ташкилотчилик ва тарбиявий ишларда ВЛКСМ аъзоларининг амас, шу билан бирга союзга кирмаган ешларини, пионер ташкилотларининг аъзоларини ҳам қамраб олиш муҳимлиги таъкидланди. Меҳнат унвондорлигини ўстириш ва иш шaroитларини яхшилаш, профессионал маҳоратини ва малакани такомиллаштириш, илгор иш методларини жорий қилиш ва маҳсулот сифатини ошириш тўғрисида ҳар кун, ҳар бир иш жойида ғамхўрлик қилиш зарур. Социалистик мусобақани ташкил этишда расмийчилик, ни тугатиш, илгорларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантиришнинг жамини форма ва методларидан тўла фойдаланиш керак.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, ешларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви самарадорлигини қатъий билан ошириш, марксизм-ленинизм назарисини ешлар иложий ўрганишларига эришиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига амал қилиб, ешларни ҳаётда актив позицияда туришга ўргатиш, ешлар салбий ҳолатлар ва камчилларини бартараф этишда яна ҳам кўпроқ сабот билан иштирок этишларига эришиш керак, дейишди нотиқлар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонкужаев нутқ сўзлади.

Пленум КПСС Марказий Комитети қарорини, ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш юзасидан комсомол ташкилотларининг амалий иш планини тасдиқлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. В. Д. Дуалован ўқишга кетиши муносибати билан Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилинди. Ш. И. Алламуродов Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари Л. Ф. Қоличева ва А. В. Неустров иштирок этидилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Гваделупа Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Клод Шипотель Ўзбекистонга келди. У республика партия ташкилотларининг фаолияти билан танишди, Тошкентнинг бир қанча корхона

ва муассасаларини бориб кўради, Самарқандга сафар қилади.

13 сентябрь кунин К. Шипотель Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЭРНСТ ТЕЛМАН НОМИЛИ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАҲРИЙ ЕРЛИГИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносибати билан Тошкент шаҳридаги Эрнст Тельман номили маданият ва истироҳат боғи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фаҳрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Рамси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Г. ҲАЙДАРОВА.
Тошкент шаҳри,
1984 йил 13 сентябри.

ЙИЛЛИК ПЛАН—25 ОКТЯБРГА

ЗАДАРЕ РАЙОНИДАГИ ИЛЫЧ НОМЛИ СОВХОЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ
ҲОСИЛИНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА СИФАТЛИ ИЙГИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Совхозимиз деҳқонлари юбилей йилида 3570 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 10500 тонна «оқ олтин» ештириш мажбуриятини олишган. Шу мақсадда эрта кўламда 1800 гектар майдонга «Ф-108», қолган майдонларга «Уйчи-2» навили пахта чигити экиди. Гўза парваришидаги ҳар бир жараёни қисқа му-

датда, сифатли ўтказдик. Ҳозир пахтазорларимизда план ва мажбуриятларимизга яраша ҳосил ештирилди. Бу, барча пахтакорларимизнинг зарбдор меҳнати натижасидир. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли доимо партия, халқ олдида юзимиш ёруғ.

ЎТГАН йили давлат пахта топириши бўйича планини 104 процент бажардик. Ҳосилнинг 87 проценти «зангори кема»ларда терилди. 75 процент хом ашё янги ГОСТ талаблари бўйича биринчи ва иккинчи сортларга топирилди. Қишлоқ хўжалигида 9 миллион 342 минг сўм даромад қилдик. Соф фойда 1 миллион сўмдан ошди. Рентабеллик 13,9 процентни ташкил этди. Бир ишчи ҳисобига 3404 сўмлик маҳсулот тайёрланди, уларнинг ўртача ойлик маоши 213 сўм, йиллик иш ҳақи 2556 сўмга етди. 1983 йилда эришган ютуқларимиз учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Усовпроф ва Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг кўмақи билан байроғини кўлга киритдик. Бироқ бизда таннаҳр қиммат. Бир центнер пахтанинг таннаҳр 60 сўмга тўғри келляпти. Бу йил кўзда тутилган ҳосилнинг 90 процентиини машинада терамиз. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи сортларга топирилади. Пахта таннаҳрини 10 сўмга арзонлаштирамиз. 10 миллион сўмдан зиёд даромад олинади. Бунинг учун йигим-теримни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриямиз.

Совхоздаги «зангори кема»ларнинг ҳар бири билан мавсумда ўртача 150 тоннадан пахта терилади. Терим машиналари, пахта ташувчи принципалар, кўсак тарадиган, чувиладиган агрегатлар ва транспорт тракторлари янги-фатил ремонт қилинди. Керакли миқдорда янги-моялаш материаллари таъминланди. Йигим-теримда 120 нафар механизатор қатнашди. 8 та йигим-терим отряди тузилиб, уларнинг ҳар бирига бўлимларнинг бош мутахассислари раҳбар қилиб тайинланди. Ҳар бир отряд меҳ-

нат, техника хизмати кўрсатадиган автомашина, ошпаз, кўчага газ плитаси ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Барча отрядларда муваққат партия группалари, халқ контроли постлари ташкил этилди. 100 нафарга яқин халқ назоратчиси пахта нобудгарчилиги, машина ва механизмлардан фойдаланиш, енгилги мойлаш материалларини тежаб ишлатиш устидан назорат ўрнатадилар. Ҳар бир отрядда, бригада шийпонларида «Жанговар варақа»лар чиқариб турилади. Йигим-теримда иштирок этаётганлар ўртадаги агитатор ва сиёсий ахборотчилар ташкилотчилик ишлари олиб борадилар.

Ҳар доимдагидек коммунистлар теримда авангардик кўрсатишди. Маашур механизатор Ленин ордени мишондори Абдусалом Қодиров ўтган йили 450 тонна пахта терган эди. Бу йил у ўғиллари Иброҳим, Баҳодир, Абдуфаттоҳ билан бирга хирмонга қамиди 1000 тонна пахта қўишга қарор қилган. Қодировлар оиласи машинада пахта теришда ҳар йили областда биринчилар қаторида бўлишди. Бундан бир неча йил муқаддам Абдусалом Қодиров тўрт қашторчи «Ўзбекистон» пахта териш машинасига ўзгартириш киритди. Сўрувчи вентилятордаги шкифни катта-лаштирди. Натижада вентилятор пахтани бир ярим ба-равар кўп сўрайдиган бўлди. Қодировлар машинаси кирган етгачларда ерга тўкилган пахта, чанокда қолган тодаларни кўрмайсиз, тозалаш йиғиштириб олишди. Ҳозир совхоздаги 30 дан ортиқ терим машинасига ана шундай ўзгариш киритилган. Совхозда уларга ўхшаб оилавий экипаж бўлиб пахта теришга чоғланган механизаторлар кўп. Ака-ука Араббой, Собиржон, Солижон Мазлаевлар мавсумда 600 тонна пахта теришга

сўз беришди. Умарали Қорабоев, Шерхон Акбаров каби «зангори кема» даргалари эса бу йил 300-350 тонна «оқ олтин»ни бункерлардан қўишмоқчи.

Йигим-терим отрядлари, пахтани пунктларга ташувчилар ва теримда иштирок этувчи бошқа касб эгалари ўртасидаги мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Мусобақа ҳар беш кунда якуланиб, гоилибар тақдирланади. Пешкада коллективлар шарафига Қизил байроқ кўтарилади. Дефолиацияни карталарнинг ҳолатига қараб ҳар тўп гўзада тўртта-бешта тўсак очилганда бошлаймиз. Қишлоқларга яқин майдондаги гўзалар пуркагич, чангалгич ёрдамида дефолиация қилинади. Ҳозир карта четларини 10-12 метр кенгликда карчовча қилишга тараққу қилиляпти. Ҳарий, шоҳарчилар текисляпти. Пайкаллар бегона ўтлардан батамом тозаланыпти.

Район партия комитети, РАПО мутахассислари ўз ишларини КПСС Марказий Комитетининг шу йилги февраль ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида ташкил этишляпти. Бу, совхоз бош мутахассислари ва коммунистларини янада масъулият билан ишлашга даъват қилмоқда. Совхоз маъмурияти ва партия комитети бўлим бошқарувчилари, звено бошчиқларига далаларини теримга тайёрлаш, дефолиация муудати, теримни бошлаш борасида эркинлик бериб қўйишди.

Партия ва ҳукуматимиз биздан фақат пахта эмас, балки сифатли тола талаб қилиляпти. Шунинг билан ҳис этиб, иш юритмоқдамиз. Толанинг сифатли бўлиши учун фақат янги пахта-ларни нобуд қилмай териб олишимиз керак. Ўтган йил 15 процентдан зиёд ҳосил паст сортларга топирилди. Бу йил паст навили

пахта бўлишига асло йўл қўймаймиз. Ҳосил ўз вақтида сифатли териб олинишининг ўзи ишнинг бир томони. Уни қури-тиш, саноат корхонасига етказиб бериш ҳам жуда муҳим. Батыдан масаланинг шу томонига эътибор берилмаслиги оқибатида ҳосилнинг сирти пасади. Терилган пахтани Гулбег пахта заводининг Дамқўл пахта пунктига топирамиз. Пунктда ҳар бир навл пахтани алоҳида жойлаш учун махсус майдонча ҳозирланган. Пахта қуригилдидаги 42 та майдон, йўл, кўприк, тарозилар ремонт қилинди.

Бултур дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлмади. Район матлубот жамияти, маданият бўлими, маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари теримда иштирок этаётганларга намунали хизмат кўрсатамиз, фалон кун ва соатда дала шийпонига кўчама дўкон, устакхона, бадийи хаваскорлар келди деб графикалар эвизиб оидо чекишган бўлишса-да, онда-сонда келишди. Бу йил улардан ўтган йилги камчилик қайтарилмаслигини талаб қиламиз. Совхозимиз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйи нишонланадиган йилда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби пахтачиликда ҳам катта ютуқларини кўлга киритиш учун йигим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш планини 25 октябрга, социалистик мажбуриятини 7 ноябрга бажариш юзасидан белгиланган маъмур тадбирларини сўзсиз амалга ошириладилар.

Ю. НАСИМЖОНОВ,
Задаре райониди Илгич номили совхоз директори.
Х. СОИПОВ,
партия комитети секретари.
М. ҚОРАБОВ,
бош агроном.

